



Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар намозни бошласалар қироат қилишдан аввал озгина жим турадилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, намозда такбираатул-эхром билан қироатингиз орасида жим турганингизда нима дейсиз?» дедим. «Аллоҳумма баайд байний ва байна хотоя кама ба-а-адта байнал-машриқи вал-мағриб. Аллоҳумма наққиний мин хотоя кама юнақкос-савбул-абязу минад-данас. Аллоҳумма иғсилний мин хотоя бил-маи вас-салжи вал-барад» (Эй Аллоҳим, мен билан хато-гуноҳларим орасини мағриб билан машриқ орасини узоқ қилганинг каби йироқ қил. Эй Аллоҳ, оппоқ либос кирликтан тозалангани каби мени хатоларимдан покиза қилгин. Эй Аллоҳ, мени хатоларимдан қор, сув ва дўл билан ювгин-поклагин) дейман», дедилар.

□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□  
□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□  
□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□  
□□□□□□□□) □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□).



Имом Абу Довуд ривоят қилған ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намозни: “Субҳонакаллоҳумма ва биҳамдик, ва табарокасмук, ва таъала жаддук ва ла илаҳа ғойрук” (яъни: Эй Аллоҳ, Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг-тавфиқинг билан тасбих айтдим. Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ йўқ) деб бошлар эдилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху шундай дейди: Бир киши шошилганидан нафаси бўғзига тиқилганича келиб, сафга қўшилди-да: «Алҳамдулилаҳи ҳамдан касийрон, тойибан, мубарокан фийҳ» (Аллоҳга кўпдан-кўп, покиза ва муборак ҳамду санолар бўлсин), деди. Намоздан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳалиги сўзларни айтган қай бирингиз?» дедилар. Ҳамма жим туриб қолди. «Қай бирингиз айтди? (Қўрқмасин,) чунки ёмон гап айтмади», дедилар. Бир киши: «Мен нафасим тиқилиб, шу дуонигина айта олдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ўн икки фариштани кўрдим, ҳар қайсиси бу дуони биринчи бўлиб осмонга олиб чиқиб кетишга шошилишар эди», дедилар.



**Шарҳ:**

Намоз ўқувчи такбира тул-эхромдан кейин, қироатдан аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуо билан намозини бошлаши суннатdir. Бу дуолар Аллоҳ таолога ҳамду санолардан иборат бўлиб, турли лафзларда келган. Намозларда бу дуоларнинг биттаси билангина кифояланмасдан, бир намозда бирини, иккинчи намозда бошқасини ўқиш суннатга тўлиқ эргашишга, суннатларни тирилтиришга, суннат ахлидан бўлишга ва намозда кўпроқ хушуъ билан туришга сабаб бўлади.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Намоз ўқувчи намозини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуолар билан бошлаши суннат.
2. Бу дуоларнинг фақат биттасига чекланиб қолмасдан, ҳаммасини ёд олиб, намозларда алмашлаб ўқилса яхши бўлади.